



Tadcqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**28 FEBRAL
№25**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
25-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
25-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 25-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 26 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Давронов Атобек Равшанович НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ.....	7
2. Dilrabo Ro`zmetova, Inobat Karimova, Maftuna Yuldasheva FUQAROLIKDA SHASXNING HUQUQIY MAQOMI.....	10
3. Файзуллаев Умиджон Алтыбаевич ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ҚУЙИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	12
4. Қиличов Бахтиёр Содикович МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИ	14
5. Ниёзжон Султанова, Ўразметов Толибжон, Сапорбоева Соҳиба КОНСТИТУТЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ.....	17
6. Нурматов Зоиржон Пазирович ЎТган йилларда очилмай қолган жиноятларни тергов қилишдаги айрим муаммолар.....	19
7. Rustamov Adiz Askar o'g'li YOSHLARNI HUQUQIY ONGI VA HUQUQIY MADANIYATINI OSHIRISH.....	21
8. Худайбергенов Бахрам Куанышбаевич АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ИНСТИТУТА ВОЗБУЖДЕНИЯ УГОЛОВНОГО ДЕЛА.....	22
9. Qayumova Dildora Shokirovna INSONNING KONSTITUTSIYAVIY HUQUQIY HOLATI	25



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Давронов Атобек Равшанович
Докторант Академии Генеральной
прокуратуры Республики Узбекистан
E-mail: Adamdavr@gmail.com

Аннотация: в статье рассмотрены некоторые вопросы следственной проверки в сфере информационных технологий, а также сделан системный анализ приказ Генерального прокурора Республики Узбекистан.

Ключевые слова: ИТ, проверка, кодекс, законы, заявление, прокурор, надзор, дознаватель, следователь, должностное лицо, следствия.

Стадия возбуждения уголовного дела имеет задачей установить наличие или отсутствие оснований для расследования уголовного дела. Для возбуждения уголовного дела необходимо наличие законного повода и основания. Поводом к возбуждению уголовного дела является заявление о преступлении, явка с повинной, сообщение о совершенном или готовящемся преступлении, полученное из других источников, постановление прокурора о направлении соответствующих материалов в орган предварительного расследования для решения вопроса об уголовном преследовании.

Правоохранительная деятельность прокуратуры дополняет существующую правовую систему в Узбекистане по обеспечению прав и свобод граждан.¹

Участие прокурора на стадии следственной проверки заключается в осуществлении надзора за соблюдением правил приема, регистрации, рассмотрения и проверки поступающих сообщений о преступлениях с целью установления наличия или отсутствия оснований для возбуждения уголовного дела.²

Судебно-правовая реформа значительно активизировалась в последние годы. Правовые нормы, регулирующие первоначальную стадию уголовного судопроизводства – возбуждение уголовного дела, не единожды подвергались коррективам. За последние 10 лет применения Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан в ст. 321–338 и другие нормы, составляющие данный институт, внесено более 30 изменений и дополнений. В частности, в ст. 322 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан появился новый повод для возбуждения уголовного дела, в ст. 328 уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан расширены способы проверки сообщения о преступлении, неоднократно изменялись полномочия участков уголовного судопроизводства, прежде всего прокурора, на данном этапе. Очевидно, что реформа далеко не закончена: Президентом Республики Узбекистан поставлена задача принятие нового уголовного и уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан в частности совершенствования уголовно-процессуального законодательства в части «уточнения процедуры следственной проверки материалов».

Согласно ст. 320² Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан следственная проверка включает в себя мероприятия по проверке заявлений, сообщений и иных сведений о преступлениях, принятие решения по результатам их рассмотрения, а также меры по закреплению и сохранению следов преступления, предметов и документов, кото-

¹ Рустамбаев М.Х., Тўхташева У.А. Судебная власть и судебно-правовая реформа в Республики Узбекистан. Т., 2008. – С. 213.

² Каменобродский С.Л. О функциях прокурора на стадии возбуждения уголовного дела. Право. Ж: Общество и право № 2(24). 2009. С. 25-31.



рые могут иметь значение для дела.¹

Дознаватель, следователь, прокурор и должностное лицо органа, осуществляющего доследственную проверку в пределах своей компетенции обязаны возбудить уголовное дело о преступлении во всех случаях, когда к тому имеются поводы и достаточные основания.

Основаниями к возбуждению уголовного дела служат:

- 1) заявления лиц;
- 2) сообщения предприятий, учреждений, организаций, общественных объединений и должностных лиц;
- 3) сообщения средств массовой информации;
- 4) обнаружение сведений и следов, указывающих на преступление, непосредственно дознавателем, следователем, прокурором, а также органом, осуществляющим доследственную проверку;
- 5) заявление о повинной.

Основаниями для возбуждения уголовного дела являются данные, указывающие наличие признаков преступления.

Надзор за исполнением законов при производстве доследственной проверки осуществляется прокурором.

Согласно приказу Генерального прокурора Республики, Узбекистан № 129 от 22.02.2016 года «Об эффективном обеспечении защиты прав и свобод граждан, верховенства закона в ходе борьбы с преступностью, дознания предварительного следствия и оперативно-розыскной деятельности» прокурор не допускает в ходе доследственной проверки проведения иных процессуальных действий, кроме истребования дополнительной документации, получения объяснений, задержания лица, личного досмотра и выемки, осмотра места происшествия и проведения экспертизы, назначения ревизии, дачи поручений о проведении оперативно-розыскных мероприятий.

Прокурор не допускает необоснованного продления проведения доследственной проверки, принимает соответствующие меры в отношении работников, необоснованно нарушивших сроки или допустившим волокиту, необоснованно нарушивших сроки или допустившим волокиту без продления срока в установленном порядке.

Прокурор не менее одного раза в месяц осуществлять проверку законности принятия, регистрации и рассмотрения сообщений о преступлениях полномоченными органами путем получения сведений из дополнительных источников и проведения сверки.²

Предметом надзора за исполнением законов органами доследственной проверки является установленный уголовно-процессуальным кодексом Республики Узбекистан порядок рассмотрения, разрешения заявлений и сообщений о преступлениях.

Осуществляя надзор за исполнением законов органами осуществляющих доследственную проверку, прокурор в пределах своей компетенции:

- требует от органов, осуществляющих доследственную проверку или оперативно-розыскную деятельность для проверки дела документы, материалы и иные сведения о совершенных преступлениях, о ходе оперативно-розыскной деятельности, не реже одного раза в месяц проверяет исполнение требований закона о приеме, регистрации и разрешении заявлений и сообщений о совершенных или готовящихся преступлениях;
- отменяет незаконные и необоснованные постановления должностного лица органа, осуществляющего доследственную проверку;
- поручает органам, осуществляющим доследственную проверку, исполнение постановлений о задержании, приводе, розыске лиц, определений суда о применении меры пресечения в виде заключения под стражу или домашнего ареста, а также дает указания о принятии необходимых мер для раскрытия преступлений и обнаружения лиц, их совершивших, по делам, находящимся в производстве прокурора или следователя прокуратуры и т.д.
- участвует на стадии доследственной проверки и в необходимых случаях лично про-

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан от 22.09.1994 года № 2013-XII. Ст. 320². <http://lex.uz/docs/111463>. Дата обращения: 10.05.2019г.

² Приказ Генерального прокурора Республики Узбекистан «Об эффективном обеспечении защиты прав и свобод граждан, верховенства закона в ходе борьбы с преступностью, дознания, предварительного следствия и оперативно-розыскной деятельностью» № 129 от 22 февраля 2016 года. П. 4.7-5.1.



изводит отдельные действия

При наличии фактов фальсификации материалов доследственных проверок, прокурор должен выносить мотивированное постановление о направлении в органы предварительного следствия соответствующих материалов для решения вопроса об уголовном преследовании по фактам выявленных прокурором нарушений.

Список использованной литературы:

1. Рустамбаев М.Х., Тўхташева У.А. Судебная власть и судебно-правовая реформа в Республики Узбекистан. Т., 2008. – С. 213.
2. Каменобродский С.Л. О функциях прокурора на стадии возбуждения уголовного дела. Право. Ж: Общество и право № 2(24). 2009. С. 25-31.
3. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан от 22.09.1994 года № 2013-ХП. Ст. 320². <http://lex.uz/docs/111463>. Дата обращения: 10.05.2019г.
4. Приказ Генерального прокурора Республики Узбекистан «Об эффективном обеспечении защиты прав и свобод граждан, верховенства закона в ходе борьбы с преступностью, дознания, предварительного следствия и оперативно-розыскной деятельностью» № 129 от 22 февраля 2016 года. П. 4.7-5.1.



FUQAROLIKDA SHASXNING HUQUQIY MAQOMI

Dilrabo Ro`zmetova

Xorazm viloyati yuridik texnikumi “Huquq” fani o`qituvchisi,
Inobat Karimova, Maftuna Yuldasheva
Xorazm viloyati yuridik texnikumi talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada fuqarolik tushunchasining shaxsning huquqiy holatiga ta`sir ko`rsatishini hamda davlat va shaxs o`rtasidagi munosabatlarda fuqarolikning ahamiyatini qanchalik yuqori o`rin egallashini ko`rishimiz mumkin bo`ladi.

Kalit so`zlar: Fuqarolik, Shaxs, Davlat, Konstitutsiya, Til, Respublika, Modda, Qonun, Hujjat, Hudud,

Barchamizga ma`lumki “FUQAROLIK” shaxsning ma`lum bir davlat bilan mustahkam siyosiy-huquqiy bog`lanishidir. Aynan har bitta shaxs dunyoga kelar ekan, ma`lum bir davlatning fuqaroligini oladi. Hozirgi kunda ham jahon amaliyotida fuqarolikning tug`ilish bo`yicha vujudga kelishida 2 ta asosiy ko`rinish bor bo`lib, bular: “qondoshlik huquqi” va “tuproqdoshlik huquqi”dir. Birinchi holatda, ya`ni “qondoshlik huquqi”da bola tug`ilgan joyidan qat`iy nazar, ota-onasining fuqaroligini oladi. Ikkinchi holatda esa bola ota-onasining fuqaroligidan qat`iy nazar, qaysi davlatda tug`ilgan bo`lsa, o`sha davlat fuqarosi bo`ladi. O`zbekistonda esa har ikkala holat ham tan olinadi. Buning asosi esa, “Fuqarolik to`g`risidagi” qonunda o`z aksini topgandir. Hozirgi kunda qonunga binoan O`zbekiston fuqaroligiga qabul qilish uchun shunday istak bildirgan shaxslar oldiga ba`zi talablar qo`yiladi, ya`ni bular “Fuqarolik to`g`risida”gi qonunning 17-moddasida ko`rsatib o`tilgan bo`lib,

Bular quyidagilar:

- Chet davlat fuqaroligidan voz kechish;
- So`nggi 3 yil davomida O`zbekiston Respublikasi hududida doimiy yashaganlik;
- Qonuniy tirikchilik manbaalarining mavjudligi;
- O`zbekiston Respublikasi Kostitutsiyasi va qonunlarini tan olish va bajarish.

Shu o`rinda qonun hujjatlarida belgilab qo`yilgan tartibdan tashqari hollar mavjuddir. Ya`ni bu talablar ayrim shaxslarga tatbiq qilinmasligi ham mumkin. Misol uchun O`zbekiston fuqarosi bo`lish istagini bildirgan shaxs O`zbekistonda tug`ilgan bo`lsa yoki ota-onasidan biri buvasi yoki buvisi O`zbekistonda tug`ilganligini va boshqa davlatlarning fuqarosi emasligini isbotlasa unga nisbatan O`zbekistonda 3 yil yashagan bo`lishi degan qoida tatbiq qilinmaydi. Vaqt o`tib borgani sayin rivojlanish, yuksalish yuz bermoqda. Bunday o`zgarishlar, yangiliklar qonun hujjatlarini ham chetlab o`tayotgani yo`q. Qonun hujjatlari ham davr talabiga javob beradigan, davlatning uzoqni o`ylab amalga oshirayotgan rejalarini rivojlanishi uchun ko`maklashadigan darajada o`zgarishlarga uchramoqda.

Aynan O`zbekiston Respublikasi “Fuqaroligi to`g`risida”gi onunga ham ayrim o`zgartirishlar kiritilgan bo`lib, 2020-yilning 13-mart kuni aynan ushbu qonun imzolanib oradan 6 oy o`tgach kuchga kirishi belgilangan edi. Qonundagi bunday o`zgarish 2020-yilning 15-sentabridan boshlab kuchga kirdi.

Qonunga binoan, O`zbekiston Respublikasi fuqaroligiga qabul qilishning quyidagi turlari mavjud:

- umumiy tartib;
- soddalashtirilgan tartib;
- alohida tartib.

Mazkur qonunda avvalgisidan farqli o`laroq “Vatandosh” degan tushuncha kiritilgan bo`lib, unga ko`ra chet davlat fuqarosi bo`lgan yoki fuqaroligi bo`lmagan shaxs hisoblangan vatandoshga nisbatan O`zbekiston fuqaroligiga umumiy tartibda qabul qilishning asosiy shartlaridan biri sifatida ariza topshirgan shaxsning “davlat tilini” muloqot qilish uchun zarur darajada bilishi ham kiritilgan. Bu esa Konstitutsiyamizning 4-moddasiga ko`ra “O`zbekiston Respublikasining davlat tili o`zbek tilidir. O`zbekiston Respublikasi o`z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf-odatlar va an`analari hurmat qilinishini ta`minlaydi, ularning



rivojlanishi uchun sharoit yaratadi” degan qoidaning amaldagi isboti ekanligini, hamda davlat tiliga bo’lgan hurmatni ham yaqqol namoyon qilmoqda desak adashmagan bo’lamiz. Bundan tashqari qonunda O’zbekiston fuqaroligiga alohida tartibda qabul qilish, fuqarolikni tiklash va tugatish, fuqarolikdan chiqish hamda fuqarolikni yo’qotish asoslari ham belgilab qo’yilgan. O’zbekiston Respublikasi fuqaroligi quyidagi hollarda olinadi:

1. tug’ilganda;
2. O’zbekiston Respublikasi fuqaroligiga qabul qilinishi natijasida;
3. O’zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalarida nazarda tutilgan asoslar bo’yicha;
4. Fuqarolik to’g’risidagi Qonunda nazarda tutilgan boshqa asoslar bo’yicha.

Fuqarolik to’g’risidagi Qonunning 19-moddasiga asosan quyidagilar O’zbekiston Respublikasi fuqaroligini to’xtatish asosi hisoblanadi:

- O’zbekiston Respublikasi fuqaroligidan chiqish oqibatida;
 - O’zbekiston Respublikasi fuqaroligini yo’qotish oqibatida;
 - O’zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalarida nazarda tutilgan asoslarga binoan;
- Ushbu qonunda ko’zda tutilgan boshqa asoslarga binoan

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, Konstitutsiyamizning 6 bobi ham aynan “Fuqarolik” deb nomlangan bo’lib, unda quyidagi qoidalar mustahkamlangan: “O’zbekiston Respublikasining butun hududida yagona fuqarolik o’rnatiladi. O’zbekiston Respublikasining fuqaroligi, unga qanday asoslarda ega bo’ganliklardan qat’i nazar, hamma uchun tengdir.

Qaroqolpog’iston respublikasining fuqarosi ayni vaqtda O’zbekiston Respublikasining fuqarosi hisoblanadi.

Fuqarolikka ega bo’lish va uni yoqotish asoslari hamda tartibi qonin bilan belgalanadi”.

Konstitutsiyaning 22-moddasiga ko’ra “O’zbekiston Respublikasi o’z hududida ham, uning tashqarisida ham o’z fuqarolarini huquqiy himoya qilish va ularga homiylik ko’rsatishni kafolatlaydi “ degan normaning o’zi ham fuqarolarning huquqlari barcha joyda himoya qilinishini kafolatlatlaydi”.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati:

1. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi: 2019 yil 11-12 bet
2. “Konstitutsiyaviy huquq” B.T. Musayev, K.R. Aliyeva, B. Narimanov, 2019 y. © Toshkent davlat yuridik universiteti.
3. “Konstitutsiyaga sharh” Mualliflar jamoasi, 2008 й. © Тошкент давлат юридик институти, 2008 й.



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ҚУЙИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Файзуллаев Умиджон Алтыбаевич
Тошкент давлат юридик университети
4 босқич талабаси
Телефон: +998903190309
fayzullayevumidjon7@gmail.com

Аннотация: Сўнгги йилларда Ўзбекистонда демократик жамият куриш йўлида маъмурий-худудий бирликларда бошқарувни ташкил этишда қуйи даражаларга ва ўзини ўзи бошқаришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Қуйида бунинг сабаблари ҳамда кутилаётган натижалари кўриб чиқилади, ушбу жараён, яъни давлат бошқарувида қуйи даражадаги органлар самарадорлигини ошириш, янада аниқроқ қилиб айтганда номарказлаштириш тўғрисида мулоҳаза юритилади.

Калит сўзлар: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, деконцентрациялаш, децентрализация, номарказлаштириш.

Биринчи навбатда, биздан талаб қилинадиган иш, юқорида зикр этилган қуйи, яъни бошланғич даражадаги бошқарув органлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларининг моҳиятига тўхталиб ўтишдир. Ушбу тушунчалар Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни кабиларда батафсил ёритиб берилган. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди¹. Давлат бошқарувида аҳоли иштирокини, назоратини кенгайтириш масаласи қуйилар экан, маҳаллий ҳокимият вакиллик органи - халқ депутатлари Кенгашлари ўз худудида аҳоли билан бевосита муносабатларда фаолият кўрсатади ва уларнинг бу бошқарув ва бошқа барча масалаларни аҳолининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда қонунлар, шунингдек, тегишли моддий ва молиявий ресурслар асосида бевосита ёки билвосита (ўзлари сайлаб қўядиган идоралар орқали) ҳал қилиш мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этилиши белгиланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса, шаҳарчалар, кишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, кишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари сифатида таърифланади. Улар фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан қафолатланган мустақил фаолиятни амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» асарида ёзади: «Бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар ва туманлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради».

Ушбу жараён, яъни давлат бошқарувида қуйи даражадаги органлар самарадорлигини ошириш, янада аниқроқ қилиб айтганда номарказлаштириш тўғрисида тарихда жуда кўп фактлар учрайди. Ушбу жараённинг илк кўринишлари Қадимги Юнонистонда учрайди.

¹ 1-модда, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни



Генри Кабот Ложжнинг «Халқлар тарихи» асарида Форс шоҳи Доро I марказлаштиришнинг устаси бўлганлиги ва «тарихда биринчи марта марказлаштириш сиёсий ҳақиқатга айлангани» ҳақида ёзган. У худди шу жараёни Қадимги Юнонистондаги номарказлаштириш сиёсати билан солиштирган. Яъни, Юнонистонда давлатнинг маълум функциялари қуйи бўғинларга, полисларга ўтказилиши ҳақида фактлар келтирган¹.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштироки нафақат марказлаштирилмаган маҳаллий бошқарувнинг белгиси, балки унинг самарадорлиги шартидир. Бошқарувни маҳаллий ҳокимиятга ва ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш, давлат фаолиятида халқнинг иродасини намоён этиш йўлида катта кадам ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ушбу сиёсат давлат тизимидаги бюрократизмнинг олдини олади ҳамда қуйи даражадаги бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини оширади. Сабаби, Фуқароларнинг иштироки маҳаллий муаммоларни самарали ҳал қилишга имкон беради, маҳаллий ҳокимиятларнинг жавобгарлиги ва жавобгарлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Манохин В.М., Адушкин Ю.С., Багишаев З.А. Российское административное право: Учебник. М., 1996.
2. Henry C. et al. Local Government Law //Mercer L. Rev. – 2018. – Т. 70. – С. 177.
3. Jarrard K. E. Local Government Law //Mercer L. Rev. – 2017. – Т. 69. – С. 205.
4. Муниципальное право России: учебник / отв. ред. С. А. Авакьян. – Москва: Проспект, 2019. – С. 500-524.

¹ Henry Cabot Lodge, Volume 1 of The History of Nations, H. W. Snow, 1910, p. 164



МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИ

Қиличов Бахтиёр Содикович

Қашқадарё вилоят Маъмурий судининг судяси

Аннотация: ушбу мақолада Республикамизда суд тизими ислохотлари, маъмурий суд тизимидаги ўзгаришлар, суд тизимини ислох қилишни ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: Маъмурий суд, суд тизими, маъмурий ҳуқуқ тизими.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ўзгариш ва ислохотлар, аввало инсон манфаати, унинг орзу-умидлари, эзгу ниятларини рўёбга чиқариш мақсадида хизмат қилмоқда. Бу инсон ҳуқуқлари устиворлиги, ҳар бир шахснинг давлат ҳимоясида эканлиги тўғрисидаги конституциявий принципларни амалга ошириш қафолатлашга қаратилган. Айниқса сўнгги йилларда мамлакатимизда суд – ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йилдаги 24 июлдаги ПФ-6034 сонли фармонида 2021 йил бошидан суд тизимини такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир қанча муҳим ташкилий ҳуқуқий чора тадбирлар белгиланди.

Маъмурий судлар фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шу жумладан маҳаллий ҳокимликларни фаолиятида қонунийликни таъминлаш, уларни ноқонуний қарорларини бекор қилиш орқали фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ўз вақтида ҳамда самарали тиклашга қаратилган бўлиб, ўз табиатига кўра жиноят ишларига ўхшаган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини жиноят ишлари судларга ўтказилиши маъмурий судларда иш юкламаларини сезиларли равишда камайтирилиши ва судлар органининг мукаммаллашишига олиб келади.

Маъмурий ҳуқуқ–ҳуқуқ соҳаси. Давлатни идора этиш жараёнида, яъни ижро ва фармойиш фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишчи юридик нормалар мажмуини ўз ичига олади. Бошқарув фаолияти турларининг хилма-хиллиги Маъмурий ҳуқуқнинг кенг кўламли ва тармоқчилигини тақозо этувчи омилдир. Маъмурий ҳуқуқ меъёрлари барча ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатини аниқлайди ҳамда давлат бошқарув органларини тузиш, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартибини белгилаб беради. Улар фуқароларнинг давлат бошқарув соҳасида ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақамлайди, ижро этувчи ҳокимият органларнинг фаолияти ва мансабдор шахсларнинг хулқ–атворида ягона қонун қоидаларини белгилаб беради, маъмурий қонунбузарликлар учун жавобгарлик ва уни қўллаш тартибини кўриб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқ меъёрларини турли маъмурий–ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари орасидан юзага келадиган маъмурий–ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида республика Президенти, барча даражадаги давлат бошқарув органлари, давлат хизматчилари, нодавлат нотажорат ташкилотлари, жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет мамлакатларининг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) маъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқ тизими умумий ва махсус қисмлардан иборат. Умумий қисм меъёрлари давлат бошқарувининг асосий тамойилларини, маъмурий субъектларининг ҳуқуқий ҳолатини, давлат хизмати асосларини бошқарувининг ҳуқуқий шакллари ва усулларини давлат бошқарув тизимидаги қонунийлигини мустақамлайди. Махсус қийим эса давлат бошқарувининг турли томорқалари ва соҳаларидаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи меъёрларга бағишланган. Унда иқтисодий, ижтимоий маданий ҳамда маъмурий сиёсий фаолият соҳасидаги бошқарувни йўлга солиш меъёрлари ёритиб берилган. Тармоқлараро давлат бошқарувини тартибга солишчи меъёрлар ҳам шулар жумласига киради.



Турли давлат органлари томонидан чиқариладиган меъёрий ҳуқуқий актлар Маъмурий ҳуқуқни баён қилиш шакли, унинг манбалари бўлиб хизмат қилади. Судларнинг соҳавий (жиноий, фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва бошқа соҳаларда) ихтисослашуви юридик ва жисмоний шахслар, қолаверса ижтимоий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида давлатнинг ҳам қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имкониятини беради. Бир қатор хорижий мамлакатлар жумладан, Германия, Франция, Буюк Британия ва АҚШ юқоридаги каби судларнинг соҳавий, шу жумладан маъмурий судлов соҳасидаги ихтисослашуви ўзига хос тарзда жорий этилган.

Хусусан, Германия Федератив Республикасида махсус маъмурий суд тизими меҳнат, ижтимоий масалалар бўйича ҳамда молиявий судлардан ташкил топган. Британия суд тизимининг эса ўзига хос хусусиятларидан бири, маъмурий суд жараёни максимал даражада соддалаштирилган бўлиб, ишни кўришга тайёрлаш, тарафлар, гувоҳлар, эксперт ва манфаатдор шахсларнинг келган–келмаганлигини текшириш, қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш каби одатий ҳаракатларни бажаришдан бошланади.

Франция маъмурий судлари фаолиятини оладиган бўлсак, ушбу давлатнинг суд тизимида ўзига хослик мавжуддир. Оддий суд босқичлари фақат мунозара ва зиддиятларни ҳал қилса, маъмурий ишлар бўйича судлар Давлат кенгаши бошчилигида икки ёқлама ваколатга эга, улар нафақат мунозараларни ҳал қилади, балки баҳс ёки зиддият моҳияти бўйича ҳуқуқий ҳулоса ҳам беради. Охириги сифатида улар ҳукумат ва унинг органлари қошидаги мунтазам маслаҳат бериш функцияларини бажаради.

Маъмурий иш бўйича судья унинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиши шарт. Маъмурий юстиция органлари ишни мустақил кўзғатишга ҳаққи йўқ. Бунинг учун асос бўлиб ҳукумат ва давлат органлари талаблари, фуқароларнинг шикоятлари, умумий ҳуқуқ судлари чиқарган ишни бериш ҳақидаги қарорлар ҳисобланади. Суд маслаҳатчилари айрим тоифадаги, хусусан, жисмоний шахслар учун 10 йил озодликдан маҳрум қилиш ёки юридик шахслар учун 75000 евро миқдорда жарима солиш тўғрисидаги жиноят ишларининг кўрилишида иштирок этади. Францияда 16-18 ёшли вояга етмаганлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар учта малакали судья ва тўққизта суд маслаҳатчиси иштирокида кўрилади. Мободо, судья суд маслаҳатчиларисиз, ўзи якка тартибда вояга етмаганларнинг жиноий, ноҳуқуқ ҳаракатларига доир ишларни кўрадиган бўлса, бу ҳолда судья судланувчига нисбатан фақат тарбиявий ва назорат чораларинигина қўллаш олади.

Англияда суд маслаҳатчилари қотиллик жиноятларини, табиий бўлмаган ёки гумонли ўлим ёки ўлимнинг сабаби аниқланмаган ҳолатларни текширишда иштирок этади.

Австрия, Дания ва Норвегия каби давлатларда энг оғир жиноят ишлари суд маслаҳатчилари томонидан, ўртача оғирликдаги жиноят ишлари аралаш ҳайъат томонидан, унча оғир бўлмаган жиноий хатти-ҳаракат учун жиноий жавобгарлик масалалари эса якка судья томонидан кўрилиши белгиланган.

Европанинг аксарият давлатларида халқ судяси, суд маслаҳатчилари профессионал судья билан шахснинг айбдор ёки айбсизлиги, шунингдек, судланувчига жазо чорасини белгилаш билан боғлиқ масалани биргаликда ҳал этади.

Буюк Британияда фуқаролик ишларининг кўрилишида суд маслаҳатчилари нафақат у ёки бу тараф учун фуқаролик ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирувчи қарор қабул қилиш, балки зарарни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ҳам қабул қилиш ваколатига эга. Бошқача айтганда, агар профессионал судья зарарни ундириш лозимлиги ҳақида тўхтамга келса, суд маслаҳатчилари зарарни қанча миқдорда ундиришни белгилашлари мумкин.

Европа давлатларида жамоатчилик назоратининг муҳим кўриниши сифатида фуқароларнинг суд процессларида иштирок этишининг қонунчиликда мустаҳкамланиши одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатини намоён қилиб, пировардида аҳолининг суд тизимига бўлган ишончи ошишига олиб келмоқда. Бу ўз-ўзидан фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳам одил судлов жараёнлари устидан жамоатчилик назорати амалга оширилишига замин яратади.

Японияда халқ судьялари оғир жиноят ишларининг муҳокамасида судья сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Бунда халқ судьяларининг судлов ҳайъати таркиби олти нафар профессионал судьядан иборат бўлади. Айбланувчи халқ судьясидан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлмади.



Мухтасар қилиб айтганда, мазкур ислохотлар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлашга, судлар фаолияти самарадорлиги нуфузини, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилиб, аҳолининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириши билан бирга, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо қилиш ҳамда ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишдек энг олий мақсадга эришишига хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро мамлакатимизда амалга оширилаётган суд–ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар мазкур соҳани халқаро стандартлар асосида такомиллашувига сабаб бўлиб, судлар мустақиллигини чинаккам маънода таъминлашга муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади

Мухтарам Президентимизнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак.” Деган эзгу ғояни илгари сурганлари давлат идоралари масъулларининг ўз масъулиятини оширишга яна бир тurtки бўлиб, фақат инсон ман-фаатларига хизмат қилади қонунга бўйсуниб ва амал қилиб, ишлашни талаб этаётгани қувонарлидир. Президентимиз томонидан қўйилаётган бундай адолатли талаб, ўз-ўзидан, ҳар томонлама етук, ҳалол касбига садоқатли судьялар корпусини шакллантиришини тақозо этади.

Президентимизнинг суд тизимига қаратган эътиборларига жавобан ҳар бир судьянинг елкасидаги масъулияти икки хисса ортди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йилдаги 24 июлдаги ПФ-6034 сонли фармони.
2. Интернет маълумотлари
3. [Http://ziyonet.com](http://ziyonet.com)
4. Google



КОНСТИТУТЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Ниёзжон Султанова

Хоразм вилояти юридик техникуми
“Ҳуқуқ” фани ўқитувчиси

Ўразметов Толибжон, Сапорбоева Соҳиба

Хоразм вилояти юридик техникумининг талабалари.

Аннотация: Ушбу мақола фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларининг кафолатлари сифатида бош қомусимизда мустаҳкамланган нормаларнинг мазмун – моҳияти атрофлича қонун ҳужжатларига боғлаган ҳолда ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Конституция, Фуқаролар, Республика, ҳуқуқ, халқ, ҳокимият, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, жамият, Давлат, Демократия, Декларация.

Мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқ ҳокимиятчилиги принципининг муҳим қоидаларидан бири сифатида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилди (13-модда).

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни давлат томонидан таъминлашга ёрдам берадиган воситалар, усуллар ва шарт-шароитлар мажмуи кафолат ҳисобланади.

Ушбу конституциявий принцип доирасида Асосий Қонунимизнинг 7-9-бобларида инсон ва фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда уларнинг кафолатлари белгилаб берилди. Бугунги Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этилмоқда ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қурилмоқда. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари фақат миллий Конституция нормалари билангина кафолатланиб қолмасдан, улар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари билан ҳам қўриқланади. Конституция Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи бевосита бошқарадиган жамият ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришни асосий мақсад қилиб қўяди. Жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи «инсон» деган ғоя ушбу қоидада мужассамлаштирилган.

Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган. Конституциямиз инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва айтиш мумкинки, уни янада тўлдирган. Масалан, Конституциянинг айнан мазкур 13- моддаси фикримизга далил бўлади. Ушбу моддада “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да эълон қилинган умуминсоний ҳуқуқлар олий кадрият даражасига кўтарилган. Маълумки, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” инсонларнинг ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқларини эълон қилиб, қуйидагиларни белгилайди: “Барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларида тенг бўлиб туғилганлар”(1-модда); “Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир”(3-модда); “Ҳеч ким қулликда ёки қарамликда сақланиши мумкин эмас, қулчилик ва қул савдосининг барча турлари тақиқланади” (4-модда) ва ҳоказо. Конституциямизнинг 13-моддасида эса инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади, дейилган. Бу Ўзбекистонни умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини унинг миллатига, динига, ижтимоий аҳволига, сиёсий ва бошқа эътиқодига қараб чеклашлар йўқ. Чунончи, Конституциянинг энг муҳим қисмларидан бўлган иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Олий ҳужжатнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у фақат фуқароларни, яъни давлатимизга мансуб кишиларнигина эмас, балки Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча инсонларнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Қонундан ташқари ҳеч ким уни ҳуқуқларидан маҳрум этиши мумкин эмас.



Ўзбекистон Республикасида ҳар қандай давлат органининг фаолияти инсон ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга, уни юксалтиришга қаратилган. Давлат ўз вазифасини тегишли органлари орқали амалга ошираётган, ижтимоий адолат ва қонунийликка амал қилиши лозим. Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлигидир. Қонунийлик принципи деганда, аввало, қонунларни ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади. Қонунийлик принципи қонунларни юридик ҳужжатлар тизимида олий кучга эга эканини, барча учун баробарлигини, жамият аъзоларининг барчаси учун мажбурийлигини аниқлатади.

Инсон ҳуқуқларига доир давлат сиёсатида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамиятда қонунийлик асосида мустақамланиб, иқтисодий, сиёсий, юридик, ташкилий қафолатлар тизими билан таъминлангандан кейингина амалга ошириши мумкинлиги масаласи муҳим ўрин эгаллайди.

Конституциянинг 43 моддасига кўра, Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Давлатнинг асосий вазифаси ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашдир. Бунинг учун давлат томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни таъминловчи қонунийликни яратилиши, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминловчи органлар тизимини ўрнатилиши ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга қаратилган фаолиятдир. Барча ҳокимият тармоқларидаги давлат органларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаси ва ваколати мавжуд. Ҳуқуқий давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг энг асосий ва самарали воситаси ҳуқуқ ва эркинликларни суд томонидан таъминланишидир.

Аҳолини ҳимояга муҳтож қатламни ҳимоя қилиш мақсадида эса, Асосий қонуннинг 45-моддасида ҳимояга муҳтож фуқароларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлигини қонуний мустақамланган. Бу моддани мазмуни шундан иборатки, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар (турли тоифадаги ногиронлар) ва ёлғиз кексалар барча ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишдан ташқари, қўшимча равишда уларнинг ҳуқуқлари давлатнинг алоҳида ҳимоясидадир. Аввал айтилганидек Конституциянинг 18-моддаси фуқароларнинг жинсидан қатъий назар қонун олдида тенглигини ўрнатган бўлса, Конституциянинг 46-моддаси “Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқдидирлар” – деб умуман уларнинг барча соҳада, муносабатда тенглигини қафолатлайди. Хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлигини амалда таъминлаш мақсадида кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва тадбирлар белгиланган. Бу эса жамият аъзолари ўртасидаги муносабатда фуқароларнинг жинсидан қатъий назар, қонун олдида тенглигини қафолатлайди. Шунингдек, уларнинг ҳаётини муносабатларини тартибга солиди.

Инсон ҳуқуқлари ва озодлигини, ким томонидан бўлса-да, бузилишдан ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қафолат рамзи бўлиб хизмат қилади. Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: 2019 йил 17-18 бет
2. “ Конституциявий ҳуқуқ” Б.Т. Мусаев, К.Р. Алиева, Б. Наримонов, 2019 й. © Тошкент давлат юридик институти
3. “ Конституцияга шарҳ” Муаллифлар жамоаси, 2008 й. © Тошкент давлат юридик институти, 2008 й.



ЎТГАН ЙИЛЛАРДА ОЧИЛМАЙ ҚОЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

Нурматов Зоиржон Пазирович,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси мустақил изланувчиси
E-mail:nurmatovzoirjon0505@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада ўтган йилларда очилмай қолган жиноятларни тергов қилишнинг бугунги ҳолатига доир мулоҳазалар баён этилган бўлиб, мавзу доирасида тергов амалиётидаги жиноят ишлари ва улардаги муаммолар таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижаларига кўра ўтган йилларда очилмай қолган жиноятларни тергов қилишни пухта режалаштириш, тергов ҳамда бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга доир хато ва камчиликларни бартараф этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Фош этилмаган жиноят, ўтган йил, жиноят процесси, дастлабки тергов, тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув тадбирлари.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддасининг биринчи қисми, 1-банди [1] асосида иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаганлиги сабабли дастлабки тергови тўхтатилган жиноятлар фош этилмаган жиноятлар сифатида тушунилади. Айнан бугунги кунда мамлакатимизда ўтган йилларда содир этилиб, фош этилмаган жиноятлар масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ўйлантираётган муҳим муаммолардан биридир.

Ўтган йилларда содир этилиб, фош этилмаган жиноятлар бўйича қўзғатилган ишларнинг аксариятида қонунда назарда тутилган чора-тадбирлар ўз вақтида қўрилмаслиги ва жиноятни фош этишга қаратилган тезкор чора-тадбирлар олиб борилмаётгани муаммоли ҳолатдир.

Тергов органларининг бу борадаги фаолияти ўрганилганда, айнан ўтган йилларда фош этилмаган жиноят ишлари кесимида бундай хато ва камчиликлардан биринчиси сифатида терговчининг ҳодиса содир бўлган жойни ўз вақтида (жиноятнинг иссиқ изидан) ва сифатли кўздан кечирмаслиги, шунингдек у ердан ишга алоқадор изларни олмаслигини кўрсатиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддасининг биринчи қисми, 1-банди билан дастлабки тергови ҳаракатдан тўхтатилган ва ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «г» банди билан қўзғатилган 084011/2017-188-сонли жиноят иши ўрганилганда, фуқаро Ш.М.Жўрақулова ва у билан бирга яшовчи ижарадошларининг пардоз буюмлари, бир дона «HP» русумли ноутбук ва 50.000 сўм пулларини номаълум шахслар уй эшигини бузиб кириш йўли билан яширин равишда талон-торож қилиб воқеа жойидан яширинганлик ҳолати бўйича 9 май куни ариза келиб тушиб, шу куннинг ўзида тергов тезкор гуруҳи ҳодиса содир бўлган жойга чиққан бўлишига қарамасдан, 8 сутка ўтиб, 2018 йилнинг 17 май куни жиноят иши қўзғатилган ва ҳодиса содир бўлган жой ўша куни сифатсиз кўздан кечирилиб, бармоқ излари ва эшикни бузиш қуролларининг излари олинмаган ҳамда экспертизалар тайинланмаганлиги оқибатида жиноят фош этилмай қолган [2].

Ўтган йилларда фош этилмаган жиноятларни тергов қилинишидаги навбатдаги хато ва камчиликлар сифатида фош этилмаганлар бўйича жиноят ишларининг ўз вақтида қўзғатилмаслиги ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг дарҳол ўтказилмаслигини кўрсатиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддасининг биринчи қисми, 1-банди билан дастлабки тергови ҳаракатдан тўхтатилган ва ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «г» банди билан қўзғатилган 084011/2017-286-сонли жиноят иши ўрганилганда жиноят ҳақидаги ариза 2017 йилнинг 19 июлида ёзилган бўлсада, шу куннинг ўзида жиноят ва хабарларни қайд этиш китобига қайд этилмаганлиги ва ҳодиса содир бўлган жой ўз вақтида кўздан кечирилмасдан, орадан 5 сутка ўтиб, яъни 2017 йилнинг 24 июлида жиноят ва хабарларни қайд этиш китобига қайд этилиб, ҳодиса содир бўлган жой сифатсиз кўздан кечирилганлиги, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг дарҳол ўтказилмаганлиги, шунингдек жиноят иши ўз вақтида қўзғатилмаганлиги боис ушбу жиноят ҳам фош этилмай қолиб кетган [3].

Ўтган йилларда фош этилмаган жиноятларни тергов қилинишидаги навбатдаги хато ва камчиликлар сифатида тезкор-қидирув бўлинмалари, терговчи ва суриштирувчиларнинг жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятининг тўғри ташкил этилмаганлиги, шунинг-



дек тергов ҳаракатлари ҳамда тезкор-қидирув тадбирларининг сифатсиз, бирёклама, шошма-шошарлик билан ёки номигагина ўтказиб қўйилиши ҳолатларини қелтириш мумкин.

Хусусан, 2018 йил 16 ноябрь куни Дехқонобод тумани «Оқтош» МФЙ, Оқтош қишлоғида яшовчи, уй бекаси, Т.Т. туман ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, у ўз аризасида 2018 йилнинг 15 ноябрь кунидан 16 ноябрь кунига ўтар кечаси яшаш уйидан номаълум шахслар уйни яшаш хонасида турган ҳисобида 400.000 сўм пули бўлган пластик карточкасини ва уйнинг омбор вазифасини бажарувчи хонасида турган 6000 сўмдан бўлган 6 қопга жойланган 282 клограмм жами 1.692.000 сўмлик нўхат маҳсулотларини яширин равишда ўғирлаб кетганлигини маълум қилган. Ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «г» банди билан жиноят иши ўз вақтида қўзғатилган бўлсада, тезкор-қидирув бўлинмалари, терговчи ва суриштирувчиларнинг жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятининг тўғри ташкил этилмаганлиги, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш юзасидан терговчилар томонидан алоҳида топшириқлар берилмаганлиги боис ушбу жиноят ханузга фош этилмасдан қолмоқда [4].

Ўтган йилларда фош этилмаган жиноятларни тергов қилинишидаги навбатдаги хато ва камчиликлар сифатида ҳодиса содир бўлган жойни сифатли кўздан кечирилмаслиги ҳамда жиноятларни фош этишда замонавий техника воситалари ва махсус билимларнинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаганлигини кўрсатиш мумкин. Ўрганишларнинг кўрсатишича тергов амалиётида бу каби муаммолар бир қатор жиноят ишларида кўзга ташланади.

Хусусан, 2018 йил 14 декабрь куни Косон тумани Гулбоғ МФЙ яшовчи, фуқаро Ж.Б.нинг яшаш хонадонидан нархи 2.000.000 сўмлик 1 бош хўкизча номаълум шахс томонидан ўғирлаб кетилганлиги ҳолати бўйича Косон тумани ИИБ ТБ томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «г» банди билан қўзғатилган жиноят иши материалларига ўрганилганда ҳодиса содир бўлган жойни сифатли кўздан кечирилмаганлиги ҳамда фото ёки видеотасвирга олинмаганлиги, шунингдек жиноятларни фош этишда замонавий техника воситалари ва махсус билимларнинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаганлиги оқибатида ушбу жиноят ишининг ханузга фош этилмаётганлигига замин бўлиб қолмоқда [5].

Юқорида ёзиб ўтилган ва ўтган йилларда фош этилмаган жиноятларни тергов қилиш жараёнида учратган хато ва камчиликлар жиноятларнинг фош этилиши ҳолатларини камайтирибгина қолмай, фуқароларимизнинг давлат органларига нисбатан ишончини сўнишига ҳам олиб қолмоқда.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда фикримизча, ўтган йилларда фош этилмаган жиноят ишлари бўйича келгусида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- 1) ҳодиса содир бўлган жойга тергов-тезкор гуруҳини ўз вақтида ва тўлиқ таркибда чиқишини таъминлаш;
- 2) ҳодиса содир бўлган жойни сифатли кўздан кечирилишини, жиноят излари ва ишга алоқадор ҳар бир ашё текшириб кўришлик учун олинишини таъминлаш;
- 3) жиноятларни фош этишда замонавий техника воситалари, шахсларнинг биометрик маълумотлари ва махсус билимларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш;
- 4) жиноятни тўлиқ ва иссиқ изидан очишга кўмак бериши мумкин бўлган ишга алоқадор бўлган процесс иштирокчиларини аниқлаш ва улар иштирокида тергов ҳаракатларини ўтказиш.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
2. Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар ИИБ ТБ иш юритувчидаги 084011/2017-188-сонли жиноят иши материаллари.
3. Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ИИБ ТБ иш юритувчидаги 084011/2017-286-сонли жиноят иши материаллари.
4. Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани ИИБ ТБ иш юритувчидаги 10212-1/2018-63-сонли жиноят иши материаллари.
5. Қашқадарё вилояти Косон тумани ИИБ ТБ иш юритувчидаги 10229-1-2018-217-сонли жиноят иши материаллари.



YOSHLARNI HUQUQIY ONGI VA HUQUQIY MADANIYATINI OSHIRISH.

Rustamov Adiz Askar o'g'li
Buxoro viloyati Yuridik texnikumi
101-guruh talabasi
Tel: (99) 706 30 11

Ushbu maqolada axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanib huquqiy ong va huquqiy madaniyatni oshirish haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: ong, madaniyat, huquq, korrupsiya, huquqbuzarlik, davlat, huquqiy immunitet, huquqiy ta'lim, internet portal.

Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirib borish, qonun ustuvorligini ta'minlash va qonuniylikni mustahkamlashning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi. Oxirgi yillarda milliy huquq tizimini isloh qilish, jamiyatda, ayniqsa, yoshlar o'rtasida huquqiy madaniyatni shakllantirish hamda malakali yuridik kadrlarni tayyorlash bo'yicha sezilarli ishlar amalga oshirildi.

Davlat - o'quvchining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini oshirish, yoshlarni zararli axborotlardan himoya qilish bo'yicha mustahkam huquqiy immunitetni shakllantirish bilan shug'ullanadi.

Xususan, huquqiy madaniyatni yuksaltirishda, eng avvalo, huquqiy ta'lim va tarbiya borasidagi ishlar tizimli va uzviy olib borilmayapti. Uzoq yillar davomida bu masala huquqni muhofaza qiluvchi organlar va ayrim davlat organlarining ishi sifatida qarab kelinib, bunda oila, mahalla va fuqarolik jamiyati boshqa institutlarining ishtiroki yetarlicha ta'minlanmagan.

Yoshlarning huquqiy tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillarga nisbatan huquqiy immunitetni shakllantirish, har bir shaxsda qonunlarga va odob-axloq qoidalariga hurmat hissini uyg'otish ishiga kompleks tarzda yondashilmadi.

O'quvchining huquqiy bilimlarini oshirishga doir vazifalarning umumiy tusda belgilanganligi hamda ularni amalga oshirishning aniq ta'sirchan mexanizmi mavjud emasligi jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish borasidagi ishlarining samarasiz olib borilayotganligini ko'rsatadi. Huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirishda shaxsiy manfaatlar hamda jamiyat manfaatlari o'rtasidagi muvozanatni saqlash g'oyalarini o'quvchilar ongiga singdirish ishlarining yetarli olib borilmasligi ham qonun ustuvorligini ta'minlashga o'zining jiddiy salbiy ta'sirini ko'rsatmoqda.

Quyidagilar jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirishning asosiy vazifalari etib belgilandi:

- yosh avlod ongiga huquq va burch, halollik va poklik tushunchalarini hamda odob-axloq normalarini chuqur singdirib borish, Konstitutsiyaning muhim jihatlarini ularga bolaligidan boshlab o'rgatish;

- o'quvchilar o'rtasida huquqiy madaniyatni shakllantirish bo'yicha huquqiy-ma'rifiy tadbirlarni xalqimiz tarixi, dini, milliy qadriyatlarini o'rgatish bilan uyg'un holda tashkil qilish, shuningdek, har bir shaxsda davlat ramzlari bilan faxrlanish tuyg'ularini shakllantirish mamlakatga daxldorlik, vatanparvarlik hissini kuchaytirish;

- davlat xizmatchilarining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirib borish, ularda korrupsiya va boshqa huquqbuzarliklarga nisbatan murosasizlik munosabatini shakllantirish;

- davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, shu jumladan, huquqni muhofaza qiluvchi organlar hamda fuqarolik jamiyati institutlarining manzilli huquqiy targ'ibotni amalga oshirish borasidagi o'zaro hamkorligini mustahkamlash.

Umumta'lim maktablari va akademik litseylarda huquqiy bilimlarga doir o'quv mashg'ulotlari ko'lami yanada kengaytiriladi. O'quvchilarning kundalik hayotida ko'p uchraydigan huquqiy masalalar yuzasidan savol-javob tarzidagi qo'llanmalar tayyorlanib, ta'lim muassasalariga bepul tarqatiladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, har qanday sohani rivojlantirish uchun, avvalo, poydevorini mustahkamlab qurishdan boshlanadi. Shunday ekan jamiyatimizda yoshlarning huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini rivojlantirish har doim dolzarb mavzu bo'lib qolaveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati .

1. Saidov A. Tojixonov U. Davlat va huquq asoslari T.: "O'zbekiston", 1999.
2. Karimova U. Huquqshunoslik, T.: "Sharq" 2010.
3. Lex.uz sayti.



АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ИНСТИТУТА ВОЗБУЖДЕНИЯ УГОЛОВНОГО ДЕЛА

Худайбергенов Бахрам Куанышбаевич,
Преподаватель кафедры Уголовно-процессуального права
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: bax555@umail.uz

Аннотация: В статье рассматриваются актуальные проблемы в уголовно-процессуальных нормах относительно стадии возбуждения уголовного дела. Автором приводятся предложения по реформированию данного института, а также проведен анализ имеющихся на сегодняшний день научных исследований стадии возбуждения уголовного дела в уголовном процессе.

Ключевые слова: уголовный процесс, уголовное дело, стадия возбуждения уголовного дела, актуальные проблемы, уголовно-процессуальные нормы.

Стадия возбуждения уголовного дела является наиболее проблемной и противоречивой в системе стадий современного уголовного процесса. В силу этого она выступает предметом повышенного внимания, как со стороны ученых-процессуалистов, так и со стороны законодателя. Только за последнее десятилетие правовой формат этой стадии подвергся многочисленным изменениям. Для наиболее глубокого изучения правовых вопросов стадии возбуждения уголовного дела, в первую очередь требуется уяснить основные задачи данной стадии.

Задачами стадии возбуждения уголовного дела являются, во-первых, выявление наличия либо отсутствия условий для осуществления уголовно-процессуальной деятельности по уголовному делу; во-вторых, установление оснований, которые при определенных обстоятельствах могут исключать производство по уголовному делу (основания об отказе в возбуждении уголовного дела либо в прекращении возбужденного уголовного дела). В силу принципа публичности уголовно-процессуальных отношений правом принятия соответствующего процессуального решения на стадии возбуждения уголовного дела в пределах своей компетенции обладают участники уголовного судопроизводства со стороны обвинения, т. е. те участники, которые осуществляют уголовное преследование в процессе производства по уголовному делу. Кроме того, в силу особых обстоятельств (совершения преступления в местности, которая расположена в значительном удалении от органов дознания, и т. д.) право на принятие процессуального решения о возбуждении уголовного дела и вынесение соответствующего постановления принадлежит и некоторым должностным лицам.

Стадия возбуждения уголовного дела состоит из ряда действий и решений, связанных с проверкой уголовно-правовых и уголовно-процессуальных предпосылок, обязывающих принять соответствующее процессуальное решение. Все эти действия и решения составляют определенный процесс, состоящий из некоторых этапов [1]. Мы выделяем следующие этапы:

1) получение заявления (сообщения) о факте совершения преступления либо обнаружения надлежащим субъектом государственного органа признаков состава преступления в определенном деянии;

2) надлежащее процессуальное оформление полученного заявления (сообщения);

3) проверка полученной информации с использованием уголовно-процессуальных и иных не запрещенных законодательством технологий;

4) принятие основанного на законодательстве, мотивированного решения по факту заявления (сообщения);

5) в случае возбуждения уголовного дела - определение подследственности органа или должностного лица, которое в дальнейшем будет осуществлять уголовное судопроизводство;

6) уведомление заинтересованных лиц о принятом по материалу проверки решении.

Именно на стадии возбуждения уголовного дела создаются предпосылки для производства следственных и иных процессуальных действий, определяются механизм собирания доказательств и возможность применения мер уголовно-процессуального принуждения.



Полагаем, что значение стадии возбуждения уголовного дела состоит в том, что она предопределяет судьбу уголовного дела и всей процессуальной деятельности, связанной с расследованием уголовного дела и рассмотрением его в суде по существу. Именно механизм данной стадии позволяет исключить необоснованное уголовное преследование в отношении лиц, не причастных к совершенному преступлению. Более того, именно на стадии возбуждения уголовного дела создаются предпосылки для производства следственных и иных процессуальных действий, определяются механизм собирания доказательств и возможность применения мер уголовно-процессуального принуждения.

Следует отметить, что в последнее время законодателем внесены серьезные изменения в нормы УПК РУз, затрагивающие вопросы регламентации уголовного делопроизводства на первой стадии уголовного процесса.

Часть 1 ст. 329 УПК РУз, изложенная в новой редакции, предусматривает значительное расширение компетенции органа дознания, дознавателя, следователя, руководителя следственного органа как субъектов процессуальной деятельности и их возможностей по осуществлению проверочных мероприятий. Сейчас при проведении проверки сообщения о преступлении указанные должностные лица могут получать объяснения, образцы для сравнительного исследования, истребовать документы и предметы, изымать их в порядке, установленном УПК РУз, и назначать судебную экспертизу. Также вправе принимать участие в производстве экспертизы и получать заключение эксперта в разумный срок, производить осмотр места происшествия, документов, предметов, трупов, освидетельствование, требовать производства документальных проверок, ревизий, исследования документов, предметов, трупов, привлекать к участию в этих действиях специалистов, давать органу дознания обязательное для исполнения письменное поручение о проведении оперативно-розыскных мероприятий.

Таким образом, очевидно, что полномочия должностных лиц при проверке сообщения о преступлении существенно расширились. Однако анализ указанных новелл позволяет сделать вывод о том, что некоторые положения закона требуют дополнительного разъяснения и корректировки, что очень важно для единообразной правоприменительной практики.

Так, отдельного рассмотрения заслуживает право дознавателя, органа дознания, следователя, руководителя следственного органа назначать экспертизу при проверке сообщения о преступлении. Следует отметить, что производство и назначение экспертизы до возбуждения уголовного дела всегда влекло за собой определенные сложности в деятельности правоприменителя.

Обусловлена данная ситуация тем, что, с одной стороны, необходимость производства экспертизы на этапе проверки сообщения о преступлении очевидна и правоприменителю и законодателю. Но, с другой стороны, всегда возникает проблема соблюдения прав участников процесса, которые до возбуждения уголовного дела не имеют конкретного процессуального статуса.

УПК РУз содержит перечень лиц, в отношении которых допустимо назначение и производство экспертизы. Это - подозреваемый, обвиняемый, потерпевший, свидетель. После возбуждения уголовного дела у них появляются процессуальные права по отношению к постановлению о назначении экспертизы или его заключению. Однако в соответствии с действующим законодательством такой статус у перечисленных субъектов отсутствует при проверке сообщения о преступлении.

Отсюда возникает вопрос, если эти субъекты не имеют соответствующих процессуальных прав на ознакомление с постановлением о назначении экспертизы при проверке сообщения о преступлении, то каким образом дознаватель, орган дознания, следователь должен ознакомить указанных лиц с этим постановлением?

Автор полагает, что решить данную проблему можно двумя способами:

- 1) следует установить права вышеуказанных участников в случае назначения экспертизы до возбуждения уголовного дела;
- 2) определить статус и права участников проверки сообщения о преступлении.

На наш взгляд, каждое из указанных решений может быть реализовано законодательством, поскольку они в равной степени позволяют реализовать права участников уголовного процесса.



Список использованной литературы:

1. Уголовно-процессуальное право: учеб. для бакалавриата и магистратуры / под общ. ред. В. М. Лебедева. 2-е изд., перераб. и доп. М., 2015. С. 432.
2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. // Кодексы Республики Узбекистан. – Ташкент: Адолат, 2018 г.
3. О взаимной правовой помощи по уголовным делам: Европейская конвенция (ETS № 30) от 20.04.1959 г. Страсбург, вст. в силу 12.06.1962 г. // СЗ РФ. 2000. №23. Ст. 2349.
4. Типовое положение о порядке работы с обращениями физических и юридических лиц в государственных органах и государственных учреждениях, утвержденное постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31 марта 2015 года № 73.



INSONNING KONSTITUTSIYAVIY HUQUQIY HOLATI

Qayumova Dildora Shokirovna
Fargʻona yuridik texnikum oʻqituvchisi

Annotatsiya: maqolada insonning konstitutsiyaviy huquq va burchlarining Konstitutsiyada qanchalik ahamiyatli ekanligiga oid fikrlar berilgan.

Kalit soʻzlari: konstitutsiya, qonun, konstitutsiyaviy huquq, fuqarolik.

Konstitutsiya har bir davlatning asosiy qonuni hisoblanadi. Uning normalari nafaqat davlat qurilishi, davlat hukumati va boshqaruvini tashkil qilish tamoyillarini, shu bilan birga ijtimoiy hayot normalarini ham tartibga soladi. Konstitutsiyaviy huquq sohasi har bir mamlakat milliy huquq sohasining tarkibiy qismi, davlat va jamiyat hayotining muhim jihatlari, asosiy ijtimoiy munosabatlar tizimi hisoblanadi. Ushbu ijtimoiy munosabatlar, oʻz navbatida jamiyat hayotining siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy va maʼnaviy sohalarida namoyon boʻladi.

Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining ikkinchi boʻlimini duyodagi boshqa koʻpchilik davlatlarning Konstitutsiyalari qatori inson va fuqarolarning asosiy huquq va burchlari toʻgʻrisidagi muhim qoidalari mustahkamlaydi. Fuqarolik deganda jismoniy shaxsning maʼlum bir davlat bilan mustahkam huquqiy bogʻlanishiga aytiladi. Bunda fuqaroning shu davlatga nisbatan huquq va burchlari hamda uning suveren hukumatga boʻysunishida ifodalanadi. Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 21-moddasiga koʻra Oʻzbekiston Respublikasining butun hududida yagona fuqarolik oʻrnatiladi. Konstitutsiyaviy huquqning oʻziga xos xususiyati shundaki, u fuqarolarning asosiy huquq, erkinlik va burchlarni mustahkamlaydi, qonun va qonun osti hujjatlarida esa, ular asosida vujudga keladigan huquq, erkinlik va burchlarni belgilash bilan birga ular mazmunini keng yoritish imkonini beradi.

Konstitutsiyaviy huquq milliy huquq tizimidagi koʻplab huquq tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Biroq taʼkidlash joizki, huquq fanida *“konstitutsiyaviy huquq”* atamasi turli maʼnolarda qoʻllaniladi. Bir tomondan, bu huquqning aniq bir tarmogʻi, bunda *“konstitutsiyaviy huquq”* huquqning koʻplab xilma-xil tarmoqlaridan biri sifatida qatnashadi. Ikkinchi tomondan, mazkur atama *“konstitutsiyaviy huquq”* ning yuridik fan tarkibiy qismi sifatidagi mazmunini ochib beradi. Uchinchidan esa, bu atama ostida taʼlim muassasalarida oʻrganiladigan oʻquv predmeti tushuniladi.

Konstitutsiyaviy huquqda, erkinlik va burchlarning yuridik xususiyatlari unda mustahkamlangan har qanday qoida singari, ular oliy yuridik kuchga va oʻzgartirishning maxsus tartibiga ega ekanligini, shuningdek, uning asosida ishlab chiqiladigan boshqa sohalar qonunchiligi uchun asosiy yoʻnalishlarni belgilashini taʼkidlash joiz.

Konstitutsiyani hayotiyligini taʼminlashning zaruriy sharti-oʻz mazmuni va mohiyatini inson va fuqarolar huquq-erkinliklari bilan boyitilishida ifodalanadi.

Huquq va erkinliklarning konstitutsiyaviy ifodalanishining ikki usuli-pozitiv va negative usullari mavjud:

a) *pozitiv usulda, konstitutsiya subʼektning muayyan huquqqa egaligini belgilaydi yoki taʼkidlaydi;*

b) *negativ usul shunday ifodalanadiki, unga koʻra har qanday subʼektga oʻzga subʼektning huquq yoki muayyan erkinligini buzish yoki cheklash taʼqiqiladi.*

Konstitutsiyamiz insonning erkinligi va shaxsiy daxlsizligi huquqlarini qatʼiy belgilabgina qolmay, uning shaʼni va obroʻyini ham muhofaza etadi. Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi xalqaro hamjamiyat eʼtirof etgan insonparvarlik prinsiplariga koʻra, xalqimiz farovonligini taʼminlash uchun xizmat qilmoqda, inson haq-huquqlari va erkinliklarining ustuvorligini taʼminlamoqda. Xulosa qilib aytganimizda, Oʻzbekiston Respublikasi dunyo hamjamiyatini teng huquqli aʼzosi sifatida maʼrifatparvar demokratik adolatli davlat boʻlishga harakat qilmoqda. Shu bilan bir qatorda inson huquqlarini himoya qilishga va mustahkamlashga qatʼiy kafolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Kostetskiy. V.A. Davlat va huquq asoslari. Darslik. – T.: 2017
2. Zokirov.I. Oʻzbekiston Respublikasining fuqarolik huquqi. –T.: 1996

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(1-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
